

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МУЧИАШВИЛИ ОМАР РЕВАЗОВИЧ**

**ФИБРОЗ ҲАЛҚАСИ ТОР БЎЛГАН АОРТА КЛАПАНИ  
НУҚСОНЛАРИНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ  
ТАНЛАШ**

**14.00.34 – Юрак кон томир хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мучиашвили Омар Ревазович**

Фиброз ҳалқаси тор бўлган аорта клапани нуқсонларини хирургик  
даволаш тактикасини танлаш..... 3

**Мучиашвили Омар Ревазович**

Выбор тактики хирургического лечения пороков аортального клапана  
при узком фиброзном кольце..... 25

**Muchiashvili Omar Revazovich**

Choice of tactics for surgical treatment of aortic valve defects with a narrow  
fibrous ring ..... 45

**Нашр қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МУЧИАШВИЛИ ОМАР РЕВАЗОВИЧ**

**ФИБРОЗ ҲАЛҚАСИ ТОР БЎЛГАН АОРТА КЛАПАНИ  
НУҚСОНЛАРИНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ  
ТАНЛАШ**

**14.00.34 – Юрак кон томир хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида №В2021.2.PhD/Tib1999 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алиев Шерзод Махмудович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рычин Сергей Владимирович (Россия Федерацияси)**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон Давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (194-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йули 10-ўй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г Назыров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**У.М. Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори

**Р.А. Ибадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда бутун дунёда энг кенг тарқалган юрак нуқсони аортал клапан стенози (АС) бўлиб, у ўз навбатида узок субклиник фазага эга, ҳамда юрак қон томир патологияси ва ўлим кўрсаткичининг муҳим қисмини ташкил қилади<sup>1</sup>. Кальцификацияланган АС нинг морфометрик кўриниши аортал клапан (АК) табақаларининг қалинлашиши ва қаттиқлашиши ҳамда унинг тешигининг торайиши ва унинг табақаларида патологик босим фарқини ҳосил қилиши билан характерланади. Узок йиллар давомида аортал клапан стенозини хирургик даволаш аортал клапанни дегенератив ва ревматик шикастланишларида асосий қўлланма бўлиб қолмоқда. Жарроҳлик тактикаси ва ва услубий ёрдамни танлашда энг қийин вариантлардан бири бу тор фиброз ҳалқали аортал нуқсондир. Жаҳон адабиёти маълумотларига кўра аорта фиброз ҳалқаси тор беморларда кичик диаметрли протезлардан фойдаланишни асослаш масаласи ҳали ҳам очик қолмоқда. Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, аортал клапанни кичик диаметрли протезлар (21 мм дан кичик) билан алмаштириш бемор тана юзасининг 1,7 м<sup>2</sup> дан кичик ҳолларда тавсия қилинади. Шунинг билан бирга, ўрта даражадаги протез-пациент номутаносиблигини тарқалиши 20 дан 70% гача, оғир даражадаги эса 2 дан 11%ни ташкил қилади. 2018 йил, Ozaki S. ва ҳаммуаллифлар 850 та аутоперикард ёрдамида бажарилган аортал клапан пластикасини натижаларини нашр этишган. Актуар яшаш давомийлиги эгрилиги, қайта операциялар частотаси жамланмаси ва рецидивланган аортал регургитация мос равишда 85,9%, 4,2% и 7% ни ташкил қилади<sup>2</sup>. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, Озаки процедурасини қўллаш бўйича тажриба ортиб бораётганига ва бутун дунё бўйлаб турли тадқиқот гуруҳлари томонидан нашр этилган натижалар сони ортиб бораётганига қарамай, узок муддатли кузатув маълумотларига ва ушбу техникани ўрнатилган протезлар билан таққослайдиган рандомизацияланган назорат синовларга қарамасдан, бу йўналишда қиёсий ёндошувга урғу берилган ва хирургик даволаш услубини тўғри танлашга асосланган кейинги изланишларга сезиларли даражада эҳтиёж бор.

Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда аортал клапан патологияларида бажарилган турли реконструктив операциялардан сўнг аорта ўзагининг ремоделланиш хусусиятларини, бу нуқсонларнинг анатомик ва физиологик жиҳатларини замонавий нур ташхислаш услубларини қўллаган ҳолда ўрганиш ва операцияларнинг узок муддатли ижобий натижаларини ва беморларнинг яшаш сифатини яхшилашга қаратилган, аорта ўзаги, чап қоринча чикиш йўлаги ва кўтарилувчи аорта элементларининг функционал ўзаро таъсирини ҳисобга олинган ҳолда реконструктив ва қайта тиклаш амалиётлари ишлаб

<sup>1</sup> Coffey S. et al. Prendergast BD. Global epidemiology of valvular heart disease. Nat Rev Cardiol. 2021 Dec;18(12):853-864. doi: 10.1038/s41569-021-00570-z.

<sup>2</sup> Ozaki S., et al. Midterm outcomes after aortic valve neocuspidization with glutaraldehydepercentage-treated autologous pericardium. J Thorac Cardiovasc Surg 2018; 155 (6): 2379–2387. DOI: 10.1016/j.jtcvs.2018.01.087

чиқилмоқда ва уларни ривожлантириш бўйича истиқболли ва ретроспектив таҳлил билан кўп марказли тадқиқотлар долзарблигича қолмоқда.

Маҳаллий жарроҳликни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари туфайли айти пайтда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда, хусусан, тор фиброз халқали аортал клапан патологияларида бажариладиган реконструктив амалиётларни натижаларини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш учун кўрсатилган жарроҳлик ёрдами натижаларини баҳолаш учун далилларга асосланган натижалар ва операциядан кейинги эрта ва кеч асоратларнинг пайдо бўлишини таҳлил қилиш билан аралашувнинг ўзгартирилган усулларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026-йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари белгиланган<sup>3</sup>. Шунга мувофиқ операциянинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали тор фиброз халқали аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш ҳозирги кундаги тадқиқот йўналишларидан биридир.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4891-сон қарори, 2021-йил 4-октябрдаги «Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5254-сонли қарори ва 2022-йил 26-январдаги «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-103-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот иши республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонининг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда аортал клапан стенози ёши кекса жамиятларда одамларга таъсир қиладиган кенг тарқалган аорта табақаси касаллиги бўлиб, асосан фиброз, яллиғланиш ва прогрессив кальцификация билан тавсифланади, бу эса клапан стенозига олиб келади. Ушбу касалликнинг бошланиши ва ривожланиши билан боғлиқ омилларни тушуниш келажакда самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш учун жуда муҳимдир. Аорта ўзаги анатомиясини тўғри тушуниш сизга аорта ўзагини алмаштириш учун реконструктив операцияни тўғри ва хавфсиз бажариш

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

имконини беради. Бундан ташқари, изоляцияланган аортал вальвулопластикани бир қисми бўлган аннулопластикани тўғри бажариш орқали аортал регургитацияни назорат қилиш мумкин. Озаки процедураси аорта ўзагининг тор фиброз халқасида АК ни алмаштиришга муқобил амалиётни таклиф қилган, бунда янги аортал клапан табақаларини яратиш учун аутологик перикарддан фойдаланади, Вальсалва синуси ва табақалараро учбурчакларининг қопқоқ функциясини сақлаб туришдаги муҳим ролини сақлайди ва ўзига хос тарзда мослаштиради. Амалиётнинг аорта ўзаги динамикасига адаптацияси ва табиий қопқоқнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш натижасида систола ва диастола пайтида механик кучланишни камайтиради. Бундан ташқари, ушбу услуб адекват гемодинамикани намоён этган ҳолда, доимий кардиостимулятор қўйиш ва бемор учун протезнинг мос келмаслиги каби асоратлар хавфини камайтиради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, аутологик перикарддан фойдаланиш тўқималарнинг чидамлигини оширади, минимал иммуногенлик билан тавсифланади ва шунга мос равишда иммунитет билан кальцификация хавфини камайтиради. Хулоса қилиб айтганда, К. Awad А. ва ҳаммуаллифлар (2023) томонидан тақдим этилган «Аорта қопқоғини алмаштиришнинг янги жарроҳлик ёндашуви сифатида Озаки процедурасининг келажаги борми?» мақоласида кўрсатилган мета-таҳлил натижаларини келтиришимиз мумкин. Таҳлил 21 та тадқиқотдан 2863 нафар беморни ўз ичига олди. Озаки усули ўртача сунъий қон айлантириш вақти 148 дақиқа (95% ишончлилиқ интервали 144–152,2,  $P < 0,001$ ), ўртача аорта қисилган вақти 112,46 дақиқа (95% ишончлилиқ интервали 105,116, 119,823,  $P < 0,001$ ), қайта операция қилиш 0,011 (95% ишончлилиқ даражаси 0,005, 0,016,  $P = 0,047$ ), аортал клапанни алмаштиришга ўтиш хавфи пастлиги 0,004 (95% ишончлилиқ даражаси 0,001, 0,008,  $P = 0,392$ ), ниҳоят, интенсив терапия бўлимида ва касалхонада қолиш муддати ўртача 2,061 кун (95% ишончлилиқ даражаси 1,535, 2,587,  $p < 0,001$ ) ва 8,159 кун (95% ишончлилиқ даражаси 7,183–9,855,  $p < 0,001$ ) бўйича статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди<sup>4</sup>.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, тор фиброз халқали аортал клапани шикастланган беморларда аорта ўзагида бажариладиган реконструктив амалиётлар ҳажми ва ва турини танлаш юрак қон томир жарроҳлари дуч келадиган охириги учта ўн йилликнинг қийин вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳадаги ҳал этилмаган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу патологияга эга беморларни хирургик даволашнинг оптимал усулини аниқлаш учун кейинги илмий клиник тадқиқотлар шубҳасизлигича қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси илмий-тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган.

<sup>4</sup>K.Awad A. et al. Does ozaki procedure have a future as a new surgical approach for aortic valve replacement? a systematic review and meta-analysis. Ann Med Surg (Lond). 2023 Jul 17;85(9):4454-4462. doi: 10.1097/MS9.0000000000000982.

**Тадқиқотнинг мақсади** тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини хирургик даволаш натижаларини Озаки операциясини тадбиқ қилиш орқали яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қиёсий нуқтаи назардан, тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонлари учун жарроҳлик аралашувлардан кейинги эрта ва узоқ муддатли операциядан кейинги давр натижаларини ўрганиш;

тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонлари учун протез-пациент номутаносиблиги, қайта операция, протезлаш ва реконструктив аралашувлардан кейинги ўлим кўрсаткичларини ўрганиш;

таққослаш гуруҳларида чап қоринча ремоделланишининг динамик ўзгаришларини хусусиятларини аниқлаштириш;

тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини танлаш ва операциядан кейинги асоратларни олдиндан башорат қилиш учун NT-proBNP миокард маркерини аниқлашнинг аҳамиятини аниқлаш;

NT-proBNP миокард маркерининг периоператив динамикасига нисбатан тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини қиёсий таҳлилинини ўтказиш;

потенциал хавф омиллари ва операциядан кейинги ўзига хос асоратларни башорат қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда, тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш усулини танлаш тактикасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** “Акад. В.Вохидов номидаги РИИАХТМ” ДМ катталар кардиохирургияси бўлимида 2018 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонлари билан протезлаш ва пластика операциялари бажарилган 96 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** клиник, функционал параметрларни, шунингдек, ўзига хос миокард маркерларини ўрганиш орқали операциядан кейинги эрта ва кечки даврда асоратларнинг табиатини баҳолаш билан тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллар қўлланилади: умумий клиник (қон ва сийдикнинг умумий таҳлили, биокимёвий қон анализи), инструментал (ЭКГ, спирометрия, ультратовуш, рентген текшируви, эхокардиография, МСКТ, коронарвентрикулография), махсус (миокард маркери NT-proBNP) ва статистик тадқиқот усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг турли усулларини чап қоринчани ремоделланиши ва юракнинг ҳажмли функциясини тиклаш жараёнларига, аортал клапан табақаларининг гемодинамик ва чизиқли параметрларига таъсири аниқланган;

N-терминал про-В типдаги натрийуретик пептиднинг (NT-proBNP)

аорта стенози ва митрал қопқоқ нуқсонларининг биргаликда келиши, кўтарилувчи аорта аневризмаси ва юрак ишемик касаллигида бажариладиган хирургик амаллиётлардан сўнг юрак етишмовчилигининг ривожланишида прогностик таъсири аниқланган;

тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашда жарроҳликдан олдинги NT-proBNP даражаси  $\geq 3000$  пг/мл, NT-proBNP даражаси операциядан кейинги биринчи кунида  $\geq 5000$  пг/мл, анамнезда сурункали юрак етишмовчилиги, чап қоринчанинг ўртача ёки оғир дисфункцияси, ўпка гипертензиясининг мавжудлиги, операция даврида аортал қисқичнинг вақти  $\geq 80$  ва операциядан кейинги учинчи куни Тропонин-I даражаси  $\geq 0,1$  пг/мл бўлиши операциядан кейинги юрак етишмовчилиги ривожланишининг потенциал прогнозлари эканлиги аниқланган;

тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонлари бўлган беморларда Озаки техникасидан фойдаланган ҳолда аортал клапан табақаларини неокуспидализация қилиш NT-proBNP миокард маркерининг даражаларини эрта нормаллашиши орқали трансортал босим градиентларининг ва аорта табақаларининг самарали очилиш майдонининг ижобий ўзгаришига ёрдам бериши аниқланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг оптимал тактикасини танлаш ва эхокардиографик кўрсаткичларни яхшилаш, операциядан кейинги юрак етишмовчилиги белгилари ва протез-пациент номуносивблигини камайтириш ўртасидаги муносабатлар аниқланган.

тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашга мултипараметрик ёндашув натижасида нафақат аортал клапан табақаларидаги ўзгаришларни, балки операциядан кейинги асоратларнинг клиник ва лаборатория прогнозларини, шунингдек, миокард шикастланиш маркер кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда тактикаси ишлаб чиқилган;

тор фиброз ҳалқали аортал стенози учун Озаки техникаси бўйича аортал клапан табақаларини неокуспидализацияси жарроҳлик аралашувининг самарадорлиги яшаш давомийлигини даражасини яхшиланиши ва операциядан кейинги ўзига хос асоратлар ва қайта операциялардан халос бўлиш кўрсаткичлари орқали исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги амалиётда кенг қўлланиладиган замонавий клиник, лаборатория ва инструментал усуллардан фойдаланиш билан тасдиқланди. Олинган барча натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланади. Статистик таҳлил олинган натижаларнинг ишончилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан келиб чиқадики, олинган хулосалар ва таклифлар ўзига хос назарий аҳамиятга эга бўлиб, улар аортал клапан нуқсонларини тор фиброз ҳалқа билан жарроҳлик йўли орқали даволашнинг

тактик жиҳатларини такомиллаштиришга юрак фаолиятининг функционал параметрларини тиклаш шунингдек, NT-proBNP миокард маркери даражасидаги ўзгаришлар кўрсаткичларини ўрганиш орқали муҳим ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тор фиброз ҳалқали аортал стенози учун Озаки техникаси бўйича аортал клапан табақаларини неокуспидализация жарроҳлик аралашувининг самарадорлиги яшаш давомийлиги даражасини яхшиланиши ва операциядан кейинги ўзига хос асоратлар ва қайта операциялардан халос бўлиш кўрсаткичлари орқали изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижаларига кўра:

биринчи илмий янгилик: тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг турли усулларини чап қоринчани ремоделланиши ва юракнинг ҳажмли функциясини тиклаш жараёнларига, аортал клапан табақаларининг гемодинамик ва чизиқли параметрларига таъсири ўрганилди- бу натижалар Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий кардиология марказининг Қашқадарё филиалида (2024 йил 17 август № 123т-сонли буйруғи) ва Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий кардиология марказининг Наманган филиалларига (2024 йил 11 июнь № 35i-t сонли буйруғи) буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрь 06/47-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ЧҚ ҚФнинг юқори қийматлари (қиёслаш гуруҳида  $63,6 \pm 0,5\%$  га нисбатан  $58,4 \pm 0,8\%$ ,  $p < 0,001$ ), энг юқори трансортал босим фарқининг ўртача кўрсаткичининг кичик кўрсаткичлари (асосий гуруҳда  $11,4 \pm 0,7$  мм.сим.уст.га нисбатан таққослаш гуруҳида  $24,2 \pm 1,1$  мм.сим.уст.,  $p < 0,001$ ) ва ўртача трансортал босим фарқининг кичик кўрсаткичлари (таққослаш гуруҳида  $14,1 \pm 0,3$  мм.сим.устга нисбатан асосий гуруҳда  $5,3 \pm 0,1$  мм.сим.уст.,  $p = 0,001$ ), юқори кўрсаткичлар аортал клапаннинг самарали очилиш майдони (AVA) (таққослаш гуруҳида  $2,7$  см<sup>2</sup>  $1,6$  см<sup>2</sup>,  $p < 0,001$ ) ва индексирланган самарали аортал клапан тешик майдони индекси (iAVA (таққослаш гуруҳида  $1,6$  см<sup>2</sup>/м<sup>2</sup> га нисбатан асосий гуруҳда  $0,94$  см<sup>2</sup>/м<sup>2</sup>)  $p < 0,001$ ) кузатилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: беморларда Озаки техникаси бўйича аортал клапан реконструкцияси бажарилгандан сўнг сунъий клапан қўйилган беморларга нисбатан юрак гемодинамик ва чизиқли параметрларининг ижобий ремоделланишининг эрта юзага келиши натижасида беморларнинг стационарда умумий даволаниш вақтининг 10 кундан 7 кунгача қисқаришини таъминлайди. Бир кунлик ўрин-жой нархи 365 000 сўмни ташкил қилишини ҳисобга олинганида 30 та бемор учун учун ўртача 87 600 000 сўмни ташкил қилади. Хулоса: тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини Озаки техникаси ёрдамида жарроҳлик йўли билан даволаш натижасида чап

қоринчани ижобий ремоделланишининг эрата юзага келиши натижасида беморларнинг умумий ўрин-жой кунларининг қисқариши ҳисобига 87 600 000 сўм тежалади;

иккинчи илмий янгилик: N-терминал про-В типидagi натрийуретик пептиднинг (NT-proBNP) аортал клапан нуқсонини митрал клапан шикастланиши, юқорига кўтарилувчи аорта аневризмалари ва юрак ишемик касалликлари билан бирга учраганда бажариладиган хирургик амаллиётлардан сўнг юрак етишмовчилигини ривожланишининг прогностик таъсири аниқланган- бу натижалар Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий кардиология марказининг Қашқадарё филиалида (2024 йил 17 август № 123т-сонли буйруғи) ва Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий кардиология марказининг Наманган филиалларига (2024 йил 11 июнь № 35i-t сонли буйруғи) буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрь 06/47-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Асоратлар сонини камайтириш даволаниш ва ташхис қўйиш вақтини сезиларли даражада қисқартириши, тўғри танланган услуб орқали ортиқча молиявий харажатларни бартараф этиш мумкин, бу касалликнинг умумий натижасига ижобий таъсир қилади, даволаниш учун иқтисодий харажатларни камайтиради ва тиббий-ижтимоий ҳолатни яхшилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини турли юрак патологиялари билан биргаликда учраганида аортал клапанни Озаки техникаси бўйича пластик реконструкциясига ёндошиб дифференциал хирургик услуб танлангани операциядан кейинги юрак етишмовчилиги ривожланишига олиб келмайди ва беморларни даволаниш харажатларини камайтиради. Хулоса-икки клапанли протезлашда сунъий клапанларга харажат 38 400 000 сўмни (1 дона клапан нархи 19 200 000 сўмдан келиб чиққан ҳолда) ташкил қилади. NT-proBNP нинг динамик кўрсаткичларига асосланган ҳолда Озаки операциясини митрал клапанни протезлаш ёки юқорига кўтарилувчи аорта патологиялари билан бажарилганда, аортал протезни кўлламаслик билан биргаликда операциядан кейинги юрак етишмовчилиги ривожланишининг олдини олиб, беморни узоқ вақт давомида интенсив реанимация бўлими ва умумий стационарда бўлиш давомийлигини қисқартириб, ўртача 30 та бемор учун 576 000 000 сўм бюджет маблағларини тежалади;

учинчи илмий янгилик: Тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашда жарроҳликдан олдинги NT-proBNP даражаси  $\geq 3000$  пг/мл, NT-proBNP даражаси операциядан кейинги биринчи кунда  $\geq 5000$  пг/мл, анамнезда сурункали юрак етишмовчилиги, чап қоринчанинг ўртача ёки оғир дисфункцияси, ўпка гипертензиясининг мавжудлиги, операция даврида аортал қисқичнинг вақти  $\geq 80$  ва операциядан кейинги учинчи кун Тропонин-I даражаси  $\geq 0,1$  пг/мл бўлиши операциядан кейинги юрак етишмовчилиги ривожланишининг потенциал прогнозлари эканлиги аниқланган- бу натижалар Республика ихтисослаштирилган илмий-

амалий кардиология марказининг Қашқадарё филиалида (2024 йил 17 август № 123т-сонли буйруғи) ва Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий кардиология марказининг Наманган филиалларига (2024 йил 11 июнь № 35i-t сонли буйруғи) буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрь 06/47-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: NT-proBNPнинг периператив динамикасини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, изоляцияланган аортал клапан стенозида, ҳамда унинг митрал клапан нуқсонлари ва кўтарилувчи аорта ёки коронар артерияларнинг патологияси билан комбинациясида Озаки техникаси бажарилган ҳолатларни аортал клапанни протезлаш амалиётлари билан солиштирганда эрта ( $t=2,34$ ;  $p=0,023$ ) ва кеч ( $t=3,13$ ;  $p=0,003$ ) даврдаги барча вақт нуқталарида NT-proBNP даражасининг пасайиши муҳимроқ ва статистик аҳамиятга эгаллиги аниқланди. Бунинг натижасида беморларнинг сунъий ўпка вентиляциясида бўлган вақти таққослаш гуруҳида  $22,3 \pm 2,7$  соатдан асосий гуруҳда  $15,2 \pm 1,4$  соатгача ( $t=2,33$ ,  $p=0,023$ ), таққослаш гуруҳида интенсив реанимация бўлимида бўлиш давомийлиги вақти  $31,6 \pm 4,5$  соатдан асосий гуруҳда  $20,4 \pm 1,2$  соатгача ( $t=2,4$ ,  $p=0,02$ ), узок муддатли сунъий ўпка вентиляцияси ( $>48$  соат) ва узок интенсив реанимация бўлимида қолиш давомийлиги ( $>72$  соат) ҳолатлари улушининг камайиши билан бирга таққослаш гуруҳидаги 20% дан асосий гуруҳда 0% гача ( $\chi^2=6,67$ ,  $p=0,01$ ) ва инотроп ёрдамга эҳтиёж 60% дан 33.3% гача камайиши аниқланди ( $\chi^2=4,3$ ,  $p=0,038$ ). Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: беморларда Озаки техникаси бўйича аортал клапан реконструкцияси бажарилгандан сўнг сунъий клапан қўйилган беморларга нисбатан юрак етишмовчилигининг юзага келишини олдини олиш ва эрта даволашнинг амалга оширишилиши натижасида беморларнинг интенсив реанимацияси бўлимида қолиш вақтини 1-2суткагача камайтиради. Юрак етишмовчилиги билан беморларнинг реанимация бўлимида даволаниши 4-5 кун давом этишини ва бир кунлик интенсив бўлимда даволаниш нархи 1 350 000 сўм эканлигини ҳисобга олинганида, ўртача 30 та бемор учун харажат 121 500 000 сўмни ташкил қилади. Хулоса- тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини Озаки техникаси ёрдамида жарроҳлик йўли билан даволашда NT-proBNP гормонинг периператив динамикасини қиёсий таҳлил қилиб амалга ошириш натижасида операциядан кейинги ривожланадиган юрак етишмовчилиги олдини олиш ва эрта бартараф қилиш орқали беморларнинг интенсив бўлимда даволаниш давомийлигини қисқариши ҳисобига 121 500 000 сўм тежалади;

тўртинчи илмий янгилик: Тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонлари бўлган беморларда Озаки техникасидан фойдаланган ҳолда аортал клапан табақаларини неокуспидализация қилиш NT-proBNP миокард маркерининг даражаларини эрта нормаллашиши орқали трансортал босим градиентларининг ва аорта табақаларининг самарали очилиш майдонининг ижобий ўзгаришига ёрдам бериши аниқланган - бу натижалар Республика

ихтисослаштирилган илмий-амалий кардиология марказининг Қашқадарё филиалида (2024 йил 17 август № 123т-сонли буйруғи) ва Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий кардиология марказининг Наманган филиалларига (2024 йил 11 июнь № 35i-t сонли буйруғи) буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрь 06/47-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагилардан иборат: энг юқори трансортал босим фарқи  $11,6 \pm 0,8$  мм.сим.уст. (таққослаш гуруҳида  $19,3 \pm 1,0$  мм.сим.уст.га нисбатан,  $p < 0,001$ )га камайди. Ўртача трансортал босим фарқи -  $5,5$  мм.сим.уст.(таққослаш гуруҳида  $10,1$  мм.сим.уста нисбатан;  $p = 0,001$ ) гача камайди, самарали аортал клапан очилиш майдони (AVA)  $2,6$  см<sup>2</sup> га (қиёслаш гуруҳида  $1,6$  см<sup>2</sup> га нисбатан,  $p < 0,001$ ) ва индексирланган самарали аортал клапан очилиш майдони (iAVA) –  $1,6$  см<sup>2</sup>/м<sup>2</sup>(таққослаш гуруҳидаги  $1,1$  см<sup>2</sup>/м<sup>2</sup> га нисбатан,  $p < 0,001$ ) га ошиши аникланади. Тор фиброз халқали аортал клапан нуқсонларини Озаки техникасини қўллаган ҳолда аортал клапанни реконструкцияси сунъий клапан қўлламаслик ҳисобига беморларда трансортал юқори босим фарқининг паст бўлиши кузатилган. Янги аутоперикарддан ясалган клапан табақаларининг инсон клапанига яқинлиги, уни ясашда аутоперикарддан фойдаланиши ҳисобига, агар 1 та механик клапанни нархи 19 200 000 сўмни ташкил қиладиган бўлса, ўрта ҳисобда 30 та беморда 576 000 000 сўмни ташкил қилади. Хулоса: тор фиброз халқали аортал клапан нуқсонларини Озаки техникасини қўллаган ҳолда реконструкция қилиш натижасида механик протезни қўлланмаслиги ҳисобига 576 000 000 сўм тежалади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш, шу жумладан, 4 та журнал мақоласи, шулардан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, беш боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матн материалининг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижалари апробацияси ва чоп этилганлиги, диссертация ҳажми ва тузилиши тўғрисида маълумот келтирилган.

Диссертациянинг “**Тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг замонавий йўналишлари**” номли биринчи бобида олти бўлимдан иборат адабиётлар таҳлили кўриб чиқилади, тор фиброз ҳалқали аортал клапан табақалари патологияси бўлган беморларда аорта ўзагининг анатомияси, патофизиологияси, патоморфологияси ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг замонавий усуллари бўйича илмий маълумотларни чуқур таҳлил қилиш, танқидий баҳолаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш тақдим этилган.

Диссертациянинг “**Клиник материалнинг умумий тавсифи ва қўлланиладиган тадқиқот усуллари**” номли иккинчи боби клиник материалларга, шунингдек, қўлланиладиган тадқиқот усулларига бағишланган. Диссертация ишининг асосини «Акад. В. Воҳидов номидаги РИХИАТМ» ДМ (Тошкент) сида 2019 йилдан 2024 йилгача бўлган даврдаги тор фиброз ҳалқали (21 мм дан кам) аортал клапан нуқсонлари билан операция қилинган беморларнинг даволаш натижалари ташкил этди.

Тадқиқот лойиҳаси қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

1) Митрал клапан қўшма патологияси билан Озаки операциясини ўтказиш усуллари ишлаб чиқиш (митрал клапан имплантациясининг супраанунляр техникаси) (III боб);

2) Аорта ўзагининг гипоплазияси билан аорта клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш хусусиятлари (III боб);

3) Аортал клапанни Озаки усули бўйича пластикаси ва аортал клапанни протезлаш жарроҳлик натижаларини солиштириш (IV боб).

4) N-терминал про-В типидagi натрийуретик пептиднинг (NT-proBNP) тор фиброз ҳалқали аортал клапан нуқсонлари учун операциядан кейинги натижаларини, хусусан, операциядан кейинги юрак етишмовчилигининг ривожланишини башорат қилишда қийматини аниқлаш (V боб).

5) Операциядан кейинги эрта, яқин ва узоқ муддатли даврда NT-proBNP маркери динамикасига нисбатан Озаки техникаси бўйича аортал клапан пластикаси ва аортал клапанни протезлаш натижаларини солиштириш (V боб).

Ўрганиш даврида тор фиброз ҳалқали АК нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича жами 164 та операция (Озаки техникаси ёрдамида аортал клапан пластикаси 30 та ва 134та аортал клапанни протезлаш) амалга оширилди. Тадқиқотга шунингдек ретроспектив беморлар қўшилганлиги сабабли, гуруҳлар бошланғич клиник хусусиятлар асосида мослаштирилди. Барча беморлар қўшилиш мезонларига мувофиқ тадқиқотга киритилган. Тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг асосий хусусиятларини турли параметрлар бўйича тенглаштиргандан сўнг, 68 та бемор тадқиқотга киритилмади (1-расм).

Шунга кўра, ушбу жарроҳлик аралашувнинг самарадорлигини қиёсий баҳолаш учун аортал клапанни протезлашдан ( $n = 30$ ) дан кейин ва беморлар гуруҳига дастлабки хусусиятлар бўйича мос келадиган Озаки операциясидан кейинги ( $n = 30$ ) беморлар ретроспектив тарзда танланган.

АК жарроҳлик натижаларини башорат қилишда NtProBNP миокард маркери даражасини периператив аниқлашнинг аҳамиятини ўрганиш бўйича

тадқиқотга аортал клапан хирургияси натижаларига кўра 96 бемор танлаб олинди, бунда NtProBNP миокард маркери даражаси операциядан олдин, 1 ва 5-кунларда ва операциядан кейинги 6 ва 12 ой ичида мониторинг қилинган.



1-расм. Тадқиқот дизайни

Диссертациянинг “**Тор фиброз халқали аортал клапан табақалари нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик ва техник жиҳатлари**” номли учинчи боби тор фиброз халқали беморларда аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг хусусиятлари ва техникасига бағишланган. Боб анъанавий клапанларни алмаштириш усулларини ва беморнинг аутологик перикардидан фойдаланган ҳолда клапан табақаларини қайта тиклашни ўз ичига олган Озаки техникаси каби замонавийроқ усулларни қамраб олади. Махсус ишлов берилган аутоперикарддан фойдаланган ҳолда Озаки томонидан таклиф қилинган аортал клапанни неокуспидализация қилиш техникаси тақдим этилган. Техниканинг афзаллиги шундан иборатки, бунда юқори даражадаги такрорланувчанлик ва яратилган клапаннинг табиий физиологик клапанга мувофиқлиги таъкидланган. Техника тор фиброз халқали беморларда, шу жумладан митрал клапан патологиялари ва аорта ўзагининг гипоплазияси бўлган беморларда яхши натижаларни кўрсатди. Митрал клапан касаллиги билан оғриган беморларда Озаки усулидан фойдаланган ҳолда операциялар тавсифи киритилган, бунда митрал клапан супрааннуляр позицияда имплантация қилинади. Бунда тавсия этилган ёндашувларнинг юқори самарадорлигини кўрсатадиган техник тафсилотлар ва клиник натижалар тавсифланган. Шунингдек, бобда аорта ўзаги гипоплазияси бўлган беморларда аортал клапанни алмаштириш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинади. Ушбу патологияни даволаш учун турли усуллардан фойдаланиш, хусусан аллографтларни қўллаш бўйича маълумотлар келтирилган ва муваффақиятли клиник ҳолат тавсифланган.

Диссертациянинг "Тор фиброз халқа билан аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили" номли тўртинчи бобида тадқиқот гуруҳларида эрта ва узоқ муддатли операциядан кейинги хусусиятлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шундай қилиб, глобал юрак функциясининг операциядан олдинги параметрлари бўйича таққослаш гуруҳи ва асосий гуруҳ ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқлиги қайд этилган. Операциядан олдинги эхокардиография маълумотларини таҳлил қилиш ҳам гуруҳлар ўртасида аортал клапаннинг гемодинамик параметрларида сезиларли фарқларни аниқламади. Иккала гуруҳдаги беморларда юрак патологиясига қараб қўшимча жарроҳлик муолажалари ўтказилди, аммо гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар топилмади.

Операция ичидаги натижалар Озаки техникаси ва стандарт аортал клапанни протезлаш ўртасида операция вақтида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқни кўрсатмади. Операциядан кейинги эрта даврда асосий гуруҳда таққослаш гуруҳига нисбатан сунъий вентиляция вақти, интенсив реанимация бўлимида бўлган умумий вақти ҳолатларининг камайиши аниқланди. Шунингдек, асосий гуруҳдаги беморларда инотропик ёрдамга бўлган эҳтиёжнинг частотаси пасайган (1-жадвал).

#### 1 жадвал


#### Тадқиқот гуруҳларида интероперацион ва операциядан кейинги эрта давр характеристикалари

Кўрсаткичлар	Таққослаш гуруҳи, n=30	Асосий гуруҳ, n=30	p
Сунъий қон айлантириш вақти, мин	126,6±15,2 (62-212)	123,4±14,3 (57-170)	0,88
Аорта окклюзияси вақти, мин	103,1±13,2 (44-132)	100,6±12,1 (37-126)	0,87
Сунъий ўпка вентиляцияси, с.	22,3±2,7 (6-64)	15,2±1,4 (6-22)	0,023
Сунъий ўпка вентиляцияси > 48 с., %	6 (20%)	0 (0,0)%	0,01
Реанимацияда бўлиш вақти, с.	31,6±4,5 (17-84)	20,4±1,2 (12-48)	0,02
Реанимацияда бўлиш вақти >72 с.	6 (20%)	0 (0,0)%	0,01
Инотроп ёрдам	18 (60%)	10 (33,3%)	0,038
Интраоперацион қон кетиш ҳажми, мл	243,3±8,7 (150-300)	202,3±7,8 (100-250)	0,0009
1 сутка давомидаги қон кетиш миқдори, мл	132,7±8,6 (50-200)	97,3±6,2 (50-150)	0,0015

Операциядан кейинги 5-куни операциядан кейинги эрта даврда АК нинг чизиқли параметрларини эхокардиография бўйича таққослаганда иккала тадқиқот гуруҳида АК (AVA) нинг самарали очилиш майдонининг ошишини кўрсатди. Қиёсий таҳлил статистик жиҳатдан муҳим фарқни аниқлади, бунда

таққослаш гуруҳига нисбатан асосий гуруҳдаги самарали АК тешик майдони ва самарали АК тешик майдони индекси (iAVA) юқори қийматларини кўрсатади (2-расм).

Асосий гуруҳда протез-пациент номуносивблиги ривожланиши ҳоллари улуши 20% дан 0,0% гача ( $\chi^2=6.67$ ,  $p=0.01$ ) камайди. Операциядан кейинги дастлабки даврда гуруҳлар ўртасида ўлим ва қайта операцияларда статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар йўқ эди.




**2-расм. Операциядан кейинги 5-куни тадқиқот гуруҳлари ўртасида ЭхоКГ бўйича АК чизиқли кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи**

Операциядан 12 ой ўтгач, ўртача ЯДХ таққослаш гуруҳида 93,4 мл ва асосий гуруҳда 84,9 мл ни ташкил этди. Таққослаш гуруҳида ЯСХ 36,7 мл, асосий гуруҳда 29 мл ни ташкил этди. Таққослаш гуруҳида ЧҚ ҚФ  $60,7 \pm 0,6\%$  (диапазон: 52-65) ва асосий гуруҳда  $65,6 \pm 0,4\%$  ( $p < 0,001$ ) эди. Транторакал эхокардиография текшируви маълумотларига кўра энг юқори трансортал босим фарқи таққослаш гуруҳида  $27,3 \pm 0,9$  (20-39) мм.сим.уст. ва асосий гуруҳда  $12 \pm 0,2$  (11-14) мм. сим.уст.ни ташкил этди ( $p < 0,001$ ). Ўртача трансортал босим фарқи таққослаш гуруҳида  $16,7 \pm 0,4$  (12-23) мм.сим.уст. ва асосий гуруҳда  $5,7 \pm 0,1$  (5-6) мм.сим.уст. ни ташкил этди ( $p = 0,001$ ).

АК нинг чизиқли кўрсаткичларига келсак, тадқиқотнинг узок муддатли даврида қуйидаги натижаларга эришилди (2-жадвал). Таққослаш гуруҳида беморларнинг 6,9 фоизида протез ва беморнинг энгил тафовути ( $0,85 \text{ см}^2/\text{м}^2$  дан ортиқ), 17,2% беморларда протез ва беморнинг ўртача тафовути ( $0,6-0,85 \text{ см}^2/\text{м}^2$ ) ва оғир протез-беморнинг номувофиклиги 3,4 фоизида ( $\leq 0,6 \text{ см}^2 / \text{м}^2$ ) қайд этилган (3-расм). Жарроҳлик йўли билан даволашдан олдин ва кейин асосий гуруҳ ичида ЭхоКГ параметрларининг ўзгариши динамикасини таҳлил қилиш трансортал босим фарқининг энг юқори фарқининг  $78,1 \pm 5,8$  дан  $12 \pm 0,2$  мм.сим.уст.гача ( $p < 0,001$ ), ўртача трансортал босим фарқининг  $45,3 \pm 4,0$  дан  $5,7 \pm 0,1$  мм.сим.уст.гача ( $p < 0,001$ ) статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасайишини ва ЧҚ ҚФ нинг  $61,4 \pm 2,0\%$  дан  $65,6 \pm 0,4\%$  гача ўсишини кўрсатади ( $p = 0,04$ ).

**Операциядан кейинги узок муддатли даврда (операциядан кейинги 6 ва 12 ой) тадқиқот гуруҳлари ўртасида трансорталбосим фарқи ва аортал клапаннинг самарали очилиш майдонининг қиёсий хусусиятлари.**

Кўрсаткичлар	Таққослаш гуруҳи, n=29	Асосий гуруҳ n=29	p
<b>Операциядан 6 ойдан сўнг</b>			
Энг юқори трансортал босим фарқи, мм.сим.уст.	24,2±1,1 (16-32)	11,4±0,7 (9-18)	<0,001
Ўртача трансортал босим фарқи, мм.сим.уст.	14,1±0,3 (8-19)	5,3±0,1 (4-8)	0,001
АК самарали тешик майдони (AVA), см <sup>2</sup>	1,6	2,7	<0,001
Индексирланган АК самарали тешик майдони (iAVA), см <sup>2</sup> /м <sup>2</sup>	0,94	1,6	<0,001
<b>Операциядан 12 ойдан сўнг</b>			
Энг юқори трансортал босим фарқи, мм.сим.уст.	27,3±0,9 (20-39)	12±0,2 (11-14)	<0,001
Ўртача трансортал босим фарқи, мм.сим.уст.	16,7±0,4 (12-23)	5,7±0,1 (5-6)	0,001
АК самарали тешик майдони (AVA), см <sup>2</sup>	1,6	2,7	<0,001
Индексирланган АК самарали тешик майдони (iAVA), см <sup>2</sup> /м <sup>2</sup>	0,96	1,6	<0,001



**3-расм. Операциядан кейинги узок муддатли даврда (операциядан кейин 12 ой) ўрганиш гуруҳлари ўртасида протез-пацент номутаносиблиги ривожланиши ҳолатларининг қиёсий тавсифи.**

Узок муддатли даврда - асосий гуруҳда операциядан 2 йил ўтгач, 2 (6,9%) беморга қайта операция қилинди. Дастлабки туғма бикуспидал клапан билан бажарилган операциядан кейин бир беморда ҳомиладорлик даврида АК ва МК ни етишмовчилиги ривожланган. Сунъий қон айлантириш ва кардиоплегия шароитида митрал ва аортал клапанни протезлаш операцияси амалга

оширилди. Бошқа бир беморда, шунингдек, дастлаб бикуспидал АК билан бажарилган операциядан сўнг нуқсонни рекоррекцияси амалга оширилди-бунда шикастланган клапан механик клапан билан алмаштирилган. Асосий гуруҳда 2 йилгача бўлган узок муддатли кузатув даврида ўлим кузатилмади. Таққослаш гуруҳида қайта операция ўтказилмаган, аммо узок муддатли кузатув даврида ўлим кўрсаткичи 13,8% ни ташкил этди (29 бемордан 4таси).

Диссертациянинг **“Тор фиброз ҳалқа билан аорта нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг қониқарсиз натижаларини таҳлил қилиш”** деб номланган бешинчи бобида 96 нафар бемор ўртасида тор фиброз ҳалқали аорта нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг қониқарсиз натижалари таҳлили ўтказилди. Улардан 14 таси операциядан кейинги юрак етишмовчилиги (ЮЕ) мезонларига мос келади, 82 тасида эса операциядан кейинги юрак етишмовчилиги кузатилмади. Ёши, жинси, тана массаси индекси кўрсаткичи ва тана юзаси майдонидаги баъзи бир кичик фарқлар хисобга олинмаганида, операциядан кейинги юрак етишмовчилиги бўлган ва бўлмаган беморлар ўхшаш демографик ва антропометрик хусусиятларга эга бўлган.

Операциядан кейинги юрак етишмовчилиги бўлган гуруҳ операциядан кейинги юрак етишмовчилиги бўлмаган гуруҳга (7,3%) нисбатан юқори фоизни (28,6%) кўрсатди ( $p = 0,017$ ). Худди шундай, умумий гуруҳларда ўртача чап қоринча (ЧҚ) дисфункцияси 8,3% ҳолларда юзага келган бўлса, операциядан кейинги юрак етишмовчилиги бўлган гуруҳ операциядан кейинги юрак етишмовчилиги бўлмаган гуруҳга (4,9%) ( $p = 0,015$ ) нисбатан юқори фоизга (28,6%) эга эди. Шунингдек, операциядан кейинги юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда оғир ЧҚ дисфункцияси тез-тез учрайди - операциядан кейинги юрак етишмовчилиги операциядан кейинги юрак етишмовчилиги бўлмаган беморлар гуруҳида 7,1% га нисбатан 3,7% ( $p = 0,547$ ). Ўпка гипертензияси операциядан кейинги юрак етишмовчилиги бўлган гуруҳда 64,3% ҳолларда, операциядан кейинги юрак етишмовчилиги бўлмаган гуруҳда эса 26,8% ( $p=0,014$ ) ташхиси қўйилган.

